

IMPROVED MECHANISM FOR ASSESSING THE QUALITY OF TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED PERSONNEL

Zaripova Mukaddas Dzhumayozovna,

Termez State University,

Basic doctoral student of the Department of Information Technology

Introduction. Under the new paradigm of higher education, as in developed countries, the education system of our country has a number of problems (how to assess the quality of educational services, what are the conditions for improving and maintaining the quality of education, how to achieve competitiveness of graduates in the labor market) How quality should be assessed, how higher education institutions prepare their graduates should take responsibility and accountability) is natural. Naturally, it is well known that these problems can be solved "partially" by finding answers to the above questions. This is because the development of science and technology is a process in motion, that is, it is slow and unsustainable.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МЕХАНИЗМИ

Зарипова Мукаддас Джумаёзовна,

Термиз давлат университети,

Ахборот технологиялари кафедраси таянч докторанти

Кириш. Олий таълимни ривожлантиришнинг янги парадигмаси шароитида ривожланган давлатлардаги каби, мамлакатимиз таълим тизимида ҳам қатор муаммолар (таълим хизматлари сифатини қандай баҳолаш мумкин, таълим сифат даражасини такомиллаштириш ва барқарорлигини сақлаб қолишнинг шартлари қанақа, олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигига қандай эришиш мумкин, битирувчиларнинг ўқув, билув сифати қандай баҳоланиши лозим, олий таълим муассасалари ўз битирувчиларини тайёргарлиги учун қандай жавобгарлик ва маъсулиятни ўз зиммасига олиши керак) пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Табиийки, бу муаммолар юқоридаги саволларга жавоб топиш орқали “қисман” ҳал қилиниши барчага маълум. Бойси, фан-техника тараққиёти ҳаракатдаги жараён бўлиб яъни бир маромда, барқарор эмаслигидадир. Шундай экан, ушбу муаммоларни ҳал қилишда фан-техника тараққиёти ҳам инобатга олиниши керак. Бундан ташқари, глобаллашув жараёнида олий таълим, битирувчилар, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизимини, унинг такомиллаштирилган механизмларини ишлаб чиқишга зарурат ҳар қачонгидан ҳам юқорилигини Ўзбекистон Республикасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар ўртасида, жумладан Олий таълимда сифатни таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ингл. European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA)¹) Халқаро тармоғи томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Бош (Генерал) конференциялар мисолида кўриш мумкин.

Ассоциация 2000 йилда, Европа давлатларининг олий таълим сифатини кафолатлаш (таъминлаш) соҳасидаги ҳамкорликларини кучайтириш ҳамда ривожлантириш мақсадида таъсис этилган. Олий таълимда сифатни таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ENQA) миссияси² эса - Европада олий таълим сифатини юқори даражада яхшилаш ва сақлаб қолиш, шунингдек, Болония жараёнига аъзо давлатлар орасида сифат кафолатини ошириш соҳасида ҳаракатлантирувчи куч ролини бажаришдан иборат.

Олий таълимда сифатни таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ENQA) ҳамда Олий таълим бўйича Европа маркази (ингл. Centre Européen pour l'Enseignement Supérieur - CEPES) томонидан олий

¹ <https://www.enqa.eu/wp-content/uploads/ESG-2015-ENQA-Thematic-Analysis-final.pdf>

² <https://enqa.eu/wp-content/uploads/2020/05/ENQA-Strategic-Plan-2021-2025.pdf>

October, 30th 2021

таълим сифатини таъминлашнинг расмий тизими ишлаб чиқилган. Унга қуйидагилар киради: баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва стандартларини аниқлаш; олий таълим муассасалари ўқитувчилари ижтимоий мавқеини, бир вақтнинг ўзида, уларнинг эгаллаб турган лавозимига шахсий-касбий мувофиқлиги мезонларини конкретлаштириш орқали ошириш; мустақил экспертларни баҳолаш ва ўз-ўзини текшириш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва бошқалар [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масалалари бўйича республикамизда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Буларга мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С. Ғуломов, Н.Р. Рахманов О.С. Қаҳҳаров ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

С.С. Ғуломовнинг “Рақамли қитисодиёт-кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари”, О.С. Қаҳҳаровнинг “Худудларда иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш”, Б. Исамухаммедовнинг “Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш”, Н.Р. Раҳмоновнинг “Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг минтақавий жиҳатлари” мавзусидаги илмий мақолалари кадрлар тайёрлаш масалалари ва унинг назарий асосларига эътибор қаратилганлигини кўрсатади [2].

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар, олимлар меҳнат фаолиятини ўрганиш ва унинг меҳнатини рағбатлантириш орқали юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлашга эришиш, олий таълим муассасаси инновацион фаолиги кадрлар тайёрлаш омили сифатида тадқиқ этилган ишлар кўлами ҳам жуда кенгдир.

Узоқ хориж тадқиқотчи-олимларидан Emerald Jenkins, Rita D'Aoust, Sabrina Elias, Hae Ra Han, Phyllis Sharps, Carmen Alvarez'ларнинг “Профессор-ўқитувчилар таркибини эксперт усулида баҳолаш”, Hassan Soodmand Afshar, Naser Ranjbar'ларнинг “Инглиз тили ўқитувчиларининг баҳолаш бўйича саводхонлигини аниқлаш”, Erik Grönqvist, Lena Hensvik, Anna Thoreson'ларнинг “Швецияда ўқитувчилар малакасини ошириш орқали иш фаолияти самарадорлигига эришиш” илмий асарлари, МДХ (Мустақил давлатлар ҳамдустилиги) тадқиқотчиларидан Шолпан Жаманбалаева, Гулмира Абдираимова, Мира Маулшарифлар “Университет профессор-ўқитувчилар таркиби фаолияти самарадорлигини ҳамкасблари томонидан баҳолаш” мавзусидаги илмий мақолалари профессор-ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш масалаларига қаратилганлигидан далолатдир [3].

Аммо илмий-тадқиқот ишлар кўлами, яъни мамлакатимиз олий таълим тизимида юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш масалаларини ўрганишда муайян ютуқлар мавжуд бўлишига қарамай, ушбу муаммони ҳали тамомла ҳал қилинган деб ҳисоблаб бўлмайди [2-4].

Шу муносабат билан, бошқа мамлакатларнинг, МДХ, Европа давлатлари, хусусан, олий таълим тизими қатъий рақобат шароитида мутахассис тайёрлашга қаратилган Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)нинг, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш сифатини баҳолаш тажрибасига мурожаат қилиш (таяниш) зарурати туғилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашнинг такомиллаштирилган механизминини ишлаб чиқиш, ҳамда олий таълим муассасалари амалиётида фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Олий таълим муассасаси юқори салоҳиятли мутахассис-битирувчисининг рақобатбардошлиги, тайёргарлик сифатининг интеграл кўрсаткичи сифатида қаралиши мумкин, агар:

- жаҳон таълим тажрибасида мутахассис тайёрлаш сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари аниқланган бўлса;
- баҳолаш жараёнининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган, “ўқитувчи-талаба” тизимида ўзаро таъсир технологияси топилган бўлса;
- рақобатбардош мутахассис тайёрлаш сифатини баҳолаш жараёнининг янги моделидан фойдаланишнинг аниқ (конкрет) йўллари ишлаб чиқилган бўлса.

October, 30th 2021

О.Е. Пермяков, олий ўқув юртлари битирувчиларини тайёрлаш сифатини интеграл (яхлит) баҳолаш, ноформал ўқитиш ва битирув малакавий иш ҳимояси натижалари, касбий таълим дастурларини ўзлаштириш доирасида олинган, индивидуал таълим ютуқларини ҳисобга олиш асосида, компетенцияларни баҳолашнинг аналитик апаратидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши керак деб таъкидлайди [5]. Мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизимларини ривожлантириш, олий ўқув юртларини янгича ташкил этиш ва ривожланишнинг қўйидаги муайян тамойиллари ва механизмларига мувофиқ, назорат-баҳолаш фаолиятини технологик модернизациялаш йўли билан амалга оширилади:

- назорат-ўлчаш материалларини ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш технологиясини модернизациялаш;
- касбий таълим дастурларини ўзлаштириш натижаларига қўйиладиган талабларни ўзгариши;
- ривожланиш контекстида, назорат-баҳолаш фаолияти субъектларининг ижтимоий-педагогик муносабатларини тадқиқ этиш натижалари асосида назорат-баҳолаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш;
- ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш учун, педагогик ўлчовлар соҳасидаги тестолог-мутахассисларни касбий тайёрлаш ва жалб қилиш.


Т.В. Громова [6], Б.М. Ермашенко, Т.А. Литвинова, В.П. Породенко [7] ва бошқаларнинг тадқиқотларида таълим сифатининг асосий мезони шундай бўлиши керакки, у шахсни умумий ва касбий ривожланиш эҳтиёжларига мос келиши лозим, деб таъкидланади. Ушбу фикр, таълим сифатининг – “мутахассисни самарали касбий фаолиятга, илмий-техник тараққиётга тезкор мослашиши ва ўз билимидан касбий муаммоларни ҳал этишда фойдалана олиш қобилияти” деб тушуниладиган таърифида ўз аксини топган.

Замонавий босқичда битирувчиларни тайёрлаш сифатини баҳолашда мос келувчи мезон ва кўрсаткичларни танлаш ҳамда асослашнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Тадқиқотчилар, экспертлар, олимлар ҳар бир мезоннинг маъно-мазмунини турлича тушунадилар.

Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцеваларнинг “Замонавий иқтисодий луғат”ида “мезон” (юнонча “criterion”) – кўрсаткич, белги бўлиб, унинг асосида иқтисодий объект, жараён сифатини баҳолаш, бундай баҳони ўлчаш шаклланади. Масалан, самарадорлик мезони тизимнинг самарадорлик даражасини тавсифласа, оптималлик мезони эса – тизимнинг оптимал ҳолатга қанчалик яқин эканлигини аниқлайди [8]. И.А. Ивлиева ўз тадқиқотида мезонга, “унинг ёрдамида муқобил вариантлар танландиган ёки ўлчандиган” восита сифатида қараш керак, деб таъкидлайди.

Мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш учун мезонларни танлашда сифатга қўйиладиган давлат талаблари ва университет ички сифат стандарти хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Давлат миқёси даражасида олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифати: таълим жараёни шартларини лицензиялаш талаблари; таълим мазмуни, даражаси ва сифатини аттестация талаблари (давлат таълим стандартларига); таълим жараёни мақсадлари, шартлари, мазмуни ва натижаларнинг муассасага билдирилган (маълум қилинган) тур ва шаклларни, аккредитация кўрсаткичлари билан мувофиқлиги бўйича баҳоланади.



1-расм. Олий ўқув юртида юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини ташхислаш механизмлари

Тайёрлаш натижалари ва жараён сифати мезонлари касбий таёргарликнинг энг бошида, таълим жараёни бошланишидан олдин аниқ белгиланади ва кейинчалик, олий таълим муассасасида ўқув жараёни тугагунига қадар мунтазам равишда кузатиб борилади. Шу билан бирга, олий таълим тизими сифатига янги талабларни қўювчи ривожланишнинг ўзгарувчан шароитлар динамикаси, ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди

October, 30th 2021

Сифатни баҳолаш субъектив тушуниладиган “инсон таълими сифати” тоифасига асосланади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби томонидан кўпинча таълим сифатини бевосита баҳолашнинг стандарт бўлмаган воситалари (якуний назорат ёки аттестация топшириқлари ва умумэтироф этилган тўрт балли баҳолаш шкаласи (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)) қўлланилади.

Талабаларни тайёрлаш сифатини (даражасини) баҳолаш мезонлари бир хил қийматга, мазмунга эга эмас ва баъзи субъектив меъёрга (ҳар бир ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш тизими, кўрсаткичлар ва баҳолаш шкалалари, ўз воситалари мажмуи) мувофиқлик даражаси сифатида тушунилиши мумкин. Натижада, олий таълим тизимида таҳсил олувчиларни тайёрлаш сифатини (даражасини) баҳолашнинг объектив воситалари ва бир хил шаклга келтирилган синов технологиялари йўқлиги сабабли, тайёрлаш сифатини баҳолашнинг самарали тизими йўқлиги муаммоси мавжуд бўлади.

Шу муносабат билан, муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш ва баҳолаш, юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимиз таълим тизимига хос алоҳида хусусиятларни инобатга олиб, олий таълим муассасаларида интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштирилган таххислаш механизми таклиф этилади (1-расм).

Ушбу механизм, олий таълим муассасасида таҳсил олаётган ҳамда муассасани битираётган талабаларнинг кейинги касбий фаолиятга тайёрлик сифатини математик аниқлик билан дарҳол ўлчаш имконини беришга, объектив баҳолаш мезонлари ва усулларини топишга ҳамда илмий тадқиқотларда баъзи умумий ёндашувларни белгилаб беришга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ветрова А.А., Музыценко Р.В. Рейтинговая методика оценки в основе мониторинга управления качеством образования // Высшее образование сегодня. – 2005. – № 7. – С. 9.
2. Зарипова М.Д., Артикбаева Г.К. Олий таълим муассасалари талабалари билимларини назорат қилиш ва баҳолашнинг математик моделлари. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2021 йил, № 2 (72), 99-111 бетлар.
3. О.Хатамов, М.Зарипова Олий таълим муассасалари инновацион фаоллигини баҳолашга ёндашувлар тахлили. Biznes-Эксперт журнали, 2021 йил, № 6, 26-31 бетлар. (08.00.00 - Иқтисодиёт фанлари; Миллий нашрлар.; №3)
4. Xatamov O.Q., & Zaripova M.D. (2021). Correlation-regression analysis - as a means of improving the quality and efficiency of the education system in higher education institution. “European Scholar Journal”, Vol. 2 No. 5, May 2021, ISSN: 2660-5562, <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/724>.
5. Пермяков О.Е. Методологические основы и технологии оценки индивидуальных образовательных достижений в системе профессионального образования: Монография. – М.: Федеральный институт развития образования, 2008. – 422 с.
6. Громова Т.В. Критерии и оценки качества образования // Директор школы. – 2006. – № 5. – С. 51-56.
7. Ермошенко Б., Породенко В., Литвинова Т. Система управления качеством // Высшее образование в России. – 2005. – № 4. – С. 9-14.
8. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.. Современный экономический словарь. — 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М. 479 с.. 1999.